ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЛАТИПОВА НИЛУФАР КЕНЖАЕВНА

ФОКАЛ ЭПИЛЕПСИЯДА ЭПИЛЕПСИЯГА ҚАРШИ ТЕРАПИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

УЎК: 616.853-08-053.8 : 616.831.313

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Латипова Нилуфар Кенжаевна
Фокал эпилепсияда эпилепсияга қарши терапия самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш..... 3

Латипова Нилуфар Кенжаевна
Оценка эффективности и безопасности противоэпилептической терапии при фокальной эпилепсии..... 25

Latipova Nilufar Kenjayevna
Evaluation of the efficacy and safety of antiepileptic therapy in focal epilepsy
…… 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works...……..... 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЛАТИПОВА НИЛУФАР КЕНЖАЕВНА

ФОКАЛ ЭПИЛЕПСИЯДА ЭПИЛЕПСИЯГА ҚАРШИ ТЕРАПИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ БАҲОЛАШ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3164 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Усманова Дурдона Джурабаевна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Рашидова Нилуфар Сафоевна** тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Аликулова Нигора Абдукадировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____»_____ соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шахри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2- уй. Тошкент давлат тиббиёт университетининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99871) 214-82-90, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____да тарқатилди.
(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Азизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда эпилепсия энг кўп учрайдиган ва ижтимоий аҳамиятга эга неврологик касалликлардан бири бўлиб, тахминан 50 миллион аҳолида қайд этилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, "...касалликнинг йиллик касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 000 аҳолига 49 дан 69 ҳолатгача етади, умумий тарқалиши эса аҳолининг тахминан 0,5–1 фоизини ташкил этади"[1]. Замонавий эпилептологиянинг сезиларли ютуқларига қарамасдан, беморларнинг тахминан 30 фоизида касаллик фармакорезистент кечади, бу эса ногиронлик, когнитив бузилишлар ва ҳаёт сифатининг пасайиши хавфининг ортиши билан кечади. Эпилепсиянинг барча шакллари ичида фокал (ўчоқли) эпилепсия энг кенг тарқалган бўлиб, касалликнинг умумий тузилмасида барча ҳолатларнинг қарийб 60 фоизини эгаллайди ҳамда аксарият ҳолларда узоқ муддатли, кўпинча умрбод антиэпилептик терапияни талаб қилади. Эпилепсия диагностикаси ва уни даволаш имкониятларига қарамай замонавий тиббиётда фокал эпилепсияни эрта ташхислаш ва антиконвулсантларни танлаш билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Жаҳонда эпилепсия долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, бунга касалликнинг кенг тарқалганлиги, сурункали кечиши, беморларнинг меҳнат қобилияти ва ҳаёт сифатига кўрсатадиган салбий таъсири ҳамда тобора ортиб бораётган ижтимоий-иқтисодий юки сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда замонавий, янги авлод эпилепсияга қарши препаратларнинг амалиётга жорий этилиши фокал эпилепсияни даволаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди. Жаҳон амалиётида противоэпилептик терапиянинг самарадорлигини, дориларнинг ножўя таъсирларини, монотерапия ва политерапия қиёсий афзалликларини ҳамда даволашга мойилликни баҳолашга қаратилган кенг кўламли клиник тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ ушбу ютуқларга қарамасдан, фокал эпилепсияда противоэпилептик терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини комплекс баҳолаш, дори танлашни беморнинг клиник хусусиятларига мослаштириш ҳамда даволашнинг узоқ муддатли натижаларини прогнозлаш бўйича ягона ёндашув ҳозирча тўлиқ шаклланмаган. Бу эса фокал эпилепсияли беморларда противоэпилептик терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолашга қаратилган мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва амалий аҳамиятини белгилайди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар доирасида неврологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек, мазкур хасталиклар билан оғриган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг

[1] https://www.thelancet.com/journals/lanpub/article/PIIS2468-2667(24)00302-5/fulltext

юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган”[2]. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида фокал эпилепсия клиник хусусиятларини ўрганиш, антиэпилептик давонинг самарадорлигини баҳолаш амалий тиббиётнинг долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш учун зарурий шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни босқичли давом эттириш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”,2021 йил 28 июлидаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимларини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикамизда илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI устувор йўналиши «Тиббиёт ва фармакология» га мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, эпилепсияни даволаш муаммоси бутун дунёда кенг ўрганилмоқда. Тўғри даволаш тактикаси ва самарали дори воситасини танлаш асосий кўрсаткичлардан ҳисобланиб бун борада кўплаб илмий ишлар қилинган. Ҳозирги вақтда диагностика, нейровизуализация, лаборатория ва генетик тадқиқот усулларининг ривожланиши ва кенг қўлланилиши билан эпилепсия муаммоси асосан турли таснифлар контекстида ўрганилмоқда. Шундай қилиб, клиника ва нейровизуализация маълумотлари асосида алгоритмлар, клиник тавсиялар, даволаш тактикасига кўрсатмалар ишлаб чиқилган (Shibata T., 2023). Аммо, эрта ташхис қўйиш имкониятларига қарамай, бугунги кунда амалиётда кўп антиконвулсанларга нисбатан фармакорезистентлик ривожланиши ва ножўя таъсир намоён бўлиши

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони.

ҳолатлари мавжуд ва бу муаммо қўшимча ўрганишни талаб қилади (Pong.W., 2023).

МДҲ олимлари томонидан фокал эпилепсия патогенези, ҳар хил турлари, босқичлари, клиник вариантлари адабиётларда кенг тавсифланган (Пылова Т. 2021, Бажанова Е.Д., 2022). Турларга қараб эпилепсиянинг клиник кечиши турлича давом этиши ва босқичли характерга эга эканлиги исботланган (Бастос Ф., 2020). Кейинги йилларда ушбу соҳада фокал эпилепсия диагностикаси ва даволаш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан, бир қатор тадқиқотлар дориларга турғун турларини жарроҳлик йўли билан даволашга бағишланган (Крилов В.В., 2019, Улитин У.Ю., 2024), салбий реакцияларни башорат қилишга (Балестрини С., 2021), бош мия ўчоқларини аниқлашга (Страин Г.М., 2026) қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда эпилепсия муаммосини ўрганиш бўйича Раҳимбаева Г.С., Маджидова Ё.Н., Ғафуров Б.Г., Муратов Ф.Х., Рашидова Н.С., Туйчибаева Н.М. (2024) ва бошқа олимлар томонидан қатор илмий ишлар бажарилган. Мазкур тадқиқотлар асосан эпилепсиянинг клиник кечиши, нейрофизиологик хусусиятлари, диагностикаси ва антиэпилептик терапия самарадорлигини баҳолашга бағишланган. Бироқ фокал эпилепсияда антиэпилептик терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини комплекс баҳолаш, дори танлашни беморнинг клиник хусусиятларига мослаштириш, монотерапия ва политерапиянинг қиёсий афзалликлари, даволашга риоя қилиш даражаси ҳамда фармакорезистентликнинг клиник аҳамияти етарлича ўрганилмаган. Шу муносабат билан республика шароитида фокал эпилепсияли беморларда антиэпилептик терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини комплекс баҳолашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг №02-4974 «Аҳоли саломатлиги профилактикаси, соғлом турмуш тарзи, хавф омилларини эрта аниқлаш, ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий-профилактик, даволаш ва замонавий инновацион диагностика ёрдами» мавзуси бўйича илмий тадқиқот режаси (2022-2025) доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади фокал эпилепсияли беморларда зонисамид ва карбамазепиннинг самарадорлиги ва хавфсизлигини қиёсий жиҳатдан баҳолашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

фокал эпилепсияли беморларнинг даволаш бошланишидан олдинги клиник-анамнестик, гендер ва антропометрик хусусиятларини аниқлаш;

ILAE 2017 таснифи, рутин ЭЭГ, видео-ЭЭГ-мониторинг ва бош мия МРТ маълумотларидан фойдаланган ҳолда беморларга комплекс клиник-инструментал тавсиф бериш;

зонисамид ва карбамазепин қўлланилганда клиник самарадорлик, ўтказувчанлик ва ножўя дори реакциялари тузилмасини қиёсий баҳолаш;

терапия фонида ACE-R бўйича когнитив функциялар, HADS бўйича психоэмоционал ҳолат ва QOLIE-31 бўйича ҳаёт сифати динамикасини баҳолаш;

АЛТ, АСТ, билирубин, умумий қон таҳлили, липид спектри ва периферик қон зардобидаги глутамат миқдорининг динамикасини баҳолаш ҳамда олинган натижалар асосида эпилепсияга қарши терапияни дифференциал танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида антиэпилептик терапия олган фокал эпилепсия билан оғриган <45 ёшдан кичик 102 бемор ва 20 соғлом шахслардан иборат назорат гуруҳи олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник-неврологик, нейровизуологик, нейрофизиологик, биокимёвий ва сатистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник-неврологик текширув, нейровизуологик (бош мия МРТ ва МСКТ текшируви), нейрофизиологик (ЭЭГ) текшируви хулосалари, қоннинг биокимёвий таҳлили, қондаги глутамат миқдори, QOLIE-31, ACE-R ва HADS шкалалари ва статистик ишлов берувчи аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фокал эпилепсия билан оғриган беморларда эпилептик хуружлар частотасининг камида икки баробар камайишига эришилган ҳолатларда ҳам ножўя дори реакциялари сабабли терапияни ўзгартириш зарурати юзага келиши асосланган;

фокал эпилепсия билан оғриган беморларда антиэпилептик терапия таъсирида қон зардобида глутамат миқдорининг ўзгариши, периферик глутаматергик жавобнинг фармакологик таъсир хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган;

фокал эпилепсияда дастлабки тана вазни индексининг юқорилиги антиэпилептик терапиядан интеграл клиник фойда олиш эҳтимолининг пасайиши билан боғлиқлиги хамда ушбу антропометрик омилнинг даволаш натижасини баҳолашдаги аҳамияти асосланган;

фокал эпилепсия билан оғриган беморларда дастлабки тана вазни индекси ва антиэпилептик терапия турига асосланган ҳолда хуружлар частотасининг камида 50 фоизга камайиши ҳамда клиник аҳамиятли ножўя реакцияларсиз даволашни давом эттириш эҳтимолини ҳисоблаш имконини берувчи математик модель ишлаб чиқилган (AUC=0,688).

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

фокал эпилепсия билан оғриган беморларда антиконвулсантларни қабул қилишда метаболик, когнитив ва диспептик ножўя реакцияларни эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш мақсадида клиник ва лаборатор кўрсаткичлар (биокимёвий таҳлил, липид спектри, қон зардобидаги глутамат миқдори) интеграциясига асосланган профилактика алгоритми ишлаб чиқилган;

фокал эпилепсия билан оғриган беморларда антиэпилептик терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш мақсадида препаратни индивидуал хусусиятлар, ножўя реакциялар частотаси ва қон лаборатор кўрсаткичларига

қараб танлаш ҳамда зарур ҳолларда карбамазепиндан зонисамидга ўтказишни белгиловчи дифференциал диагностик-даволаш ёндашув таклиф этилган;

фокал эпилепсияли беморларнинг ҳаёт сифати, когнитив статуси ҳамда ҳавотир ва депрессия даражасини объектив баҳолаш учун QOLIE-31, ACE-R ва HADS шкалаларини комплекс қўллашга асосланган мониторинг тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий клиник, инструментал, биокимёвий тадқиқот усулларидан фойдаланилгани, шунингдек, кўриб чиқилган беморлар сонининг етарли даражада бўлгани, беморларда ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган ёндашувнинг самарали қўллангани, статистик таҳлил усулларидан унумли фойдаланилгани, олинган натижаларнинг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан эришилган натижалар билан чуқур таққослаб таҳлил қилингани, чиқарилган хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, фокал эпилепсияда антиэпилептик терапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини акс эттирувчи маълумотлар касалликнинг патогенетик ва нейрокимёвий қонуниятларини чуқурроқ англаш имконини бериб, биокимёвий маркерлар, липид спектри ва қон зардобидаги глутамат миқдори кўрсаткичларининг ножўя реакцияларни башорат қилиш ҳамда антиконвулсантлар самарадорлигини баҳолашдаги ўрнини аниқлаш, шунингдек препарат турининг беморларнинг когнитив статуси, психоэмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатига таъсири ўртасидаги ўзаро боғлиқликни асослаш орқали оптимал антиэпилептик дори воситасини танлаш зарурлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, фокал эпилепсия билан оғриган беморларда антиконвулсантларни қабул қилишда ножўя реакцияларнинг олдини олишга қаратилган ишлаб чиқилган алгоритм ҳамда дифференциал диагностик-даволаш ёндашувни амалиётга жорий этиш ножўя ва метаболик асоратларни эрта аниқлаш, хавф омилларини баҳолаш ва зарур ҳолларда препаратни ўз вақтида алмаштириш имконини бериб, клиник ва лаборатор кўрсаткичлар асосида ташхис ва даволаш тактикасини оптималлаштириш орқали тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, ножўя реакциялар частотасини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши. Фокал эпилепсия билан оғриган беморларни даволаш натижаларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: фокал эпилепсия билан оғриган беморларда эпилептик хуружлар частотасининг камида икки баравар камайишига эришилган ҳолатларда ҳам ножўя дори реакциялари сабабли терапияни ўзгартириш зарурати юзага келиши асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 22 октябрдаги 73/u сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Фокал эпилепсия билан оғриган

беморларда эпилепсияга қарши воситаларни қабул қилишда ножўя реакцияларни олдини олиш усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Наманган филиали неврология бўлими (2024-йил 14 октябрдаги № 258/20-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Фарғона филиали неврология бўлими (2024-йил 13 декабрдаги № 152-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ножўя таъсирларни башорат қилиш ва антиконвулсантлар самарадорлигини баҳолаш учун лаборатория мезонларининг (биокимёвий кўрсаткичлар, липид спектри, глутамат миқдори) аниқланиши фокал эпилепсия билан оғриган беморларда оптимал препаратни ўз вақтида танлаш, ножўя ва метаболик асоратларни эрта аниқлаш ҳамда когнитив ва диспептик ножўя реакцияларни 76,2% га камайтириш имконини бериб, беморларнинг ногиронлик даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган усулнинг амалиётга жорий этилиши фокал эпилепсияли беморларда антиэпилептик дори воситаларини қўллашда ножўя таъсирларни камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда самарасиз терапия ва асоратлар билан боғлиқ харажатларни қисқартириш орқали бир беморни даволашга йилига 1872500 сўм иқтисодий самарадорлик берди. *Хулоса:* фокал эпилепсияда антиконвулсантлар самарадорлиги ва хавфсизлигини объектив баҳолашга имкон берувчи лаборатория мезонларининг аниқланиши терапияни индивидуаллаштириш ва ножўя реакцияларнинг олдини олиш учун далиллар базасини шакллантиради ҳамда эпилепсияга қарши терапияни рационал бошқариш учун муҳим восита ҳисобланади.

иккинчи илмий янгилик: фокал эпилепсия билан оғриган беморларда антиэпилептик терапия таъсирида қон зардобида глутамат миқдорининг ўзгариши, периферик глутаматергик жавобнинг фармакологик таъсир хусусиятларига боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 22 октябрдаги 73/u сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Фокал эпилепсия билан оғриган беморларда эпилепсияга қарши воситаларни қабул қилишда ножўя реакцияларни олдини олиш усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Наманган филиали неврология бўлими (2024-йил 14 октябрдаги № 258/20-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Фарғона филиали неврология бўлими (2024-йил 13 декабрдаги № 152-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* қабул қилинган антиконвулсант ва метаболик характердаги ножўя реакцияларнинг пайдо бўлиши ўртасида сезиларли тўғридан-тўғри боғлиқлик исботланиши фокал эпилепсия билан оғриган беморларда метаболик асоратлар хавфини олдиндан баҳолаш, препаратни ўз вақтида алмаштириш ва ножўя реакцияларни эрта аниқлаш имконини бериб, беморларнинг ногиронлик даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда даволашни

оптималлаштириш метаболик асоратларга олиб келувчи терапияни эрта истисно қилиш, самарасиз даволаш ва асоратлар билан боғлиқ режасиз касалхонага ётқизиш ҳамда қўшимча текширув харажатларини камайтириш орқали бир беморни даволашга йилига 1872500 сўм иқтисодий самарадорлик берди. *Хулоса:* қабул қилинган антиконвулсант билан метаболик ножўя реакциялар ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликнинг аниқланиши фокал эпилепсияда терапияни индивидуаллаштириш ва ножўя реакцияларнинг олдини олиш учун далиллар базасини шакллантиради ҳамда эпилепсияга қарши терапияни рационал бошқариш учун муҳим восита ҳисобланади.

учинчи илмий янгилик: фокал эпилепсияда дастлабки тана вазни индексининг юқорилиги антиэпилептик терапиядан интеграл клиник фойда олиш эҳтимолининг пасайиши билан боғлиқлиги хамда ушбу антропометрик омилнинг даволаш натижасини баҳолашдаги аҳамияти асосланганлиги бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 22 октябрдаги 73/u сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Фокал эпилепсия билан оғриган беморларда эпилепсияга қарши воситаларни қабул қилишда ножўя реакцияларни олдини олиш усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Наманган филиали неврология бўлими (2024-йил 14 октябрдаги № 258/20-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Фарғона филиали неврология бўлими (2024-йил 13 декабрдаги № 152-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* фокал эпилепсия учун танлов препарати сифатида зонисамиддан фойдаланишнинг оқланиши ва унинг қондаги глутамат даражасини камайтириши орқали антиэпилептик таъсири самарадорлигининг исботланиши беморларда хуружлар частотасини ишончли камайтириш, ножўя реакцияларни юзага келтирмаслик ҳамда касалликни барқарор ремиссияга олиб чиқиш имконини бериб, беморларнинг ногиронлик даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* зонисамиднинг юқори самарадорлиги ва кам ножўя реакцияга эга эканлиги самарасиз терапияни такрорлаш, метаболик асоратларни даволаш ҳамда асоратлар билан боғлиқ режасиз касалхонага ётқизиш харажатларини камайтириш орқали бир беморни даволашга йилига 1872500 сўм иқтисодий самарадорлик берди. *Хулоса:* қондаги глутамат даражасини камайтириш орқали юқори антиэпилептик самарадорлик кўрсатган зонисамиднинг фокал эпилепсияда танлов препарати сифатида асосланиши терапияни индивидуаллаштириш ва даволаш натижаларини яхшилаш учун далиллар базасини шакллантиради ҳамда эпилепсияга қарши терапияни рационал бошқариш учун муҳим восита ҳисобланади.

тўртинчи илмий янгилик: фокал эпилепсия билан оғриган беморларда дастлабки тана вазни индекси ва антиэпилептик терапия турига асосланган ҳолда хуружлар частотасининг камида 50 фоизга камайиши ҳамда клиник аҳамиятли ножўя реакцияларсиз даволашни давом эттириш эҳтимолини ҳисоблаш имконини берувчи математик модель ишлаб чиқилганлиги (AUC=0,688) бўйича таклифлар Андижон давлат тиббиёт институтининг

2024 йил 22 октябрдаги 73/u сонли кенгаши қарори билан тасдиқланган “Фокал эпилепсия билан оғриган беморларда эпилепсияга қарши воситаларни қабул қилишда ножўя реакцияларни олдини олиш усуллари” номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Наманган филиали неврология бўлими (2024-йил 14 октябрдаги № 258/20-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказлар марказ Фарғона филиали неврология бўлими (2024-йил 13 декабрдаги № 152-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* антиконвулсантларни қабул қилишда ножўя реакцияларнинг олдини олиш учун тавсия этилган усулнинг самарадорлиги исботланиши фокал эпилепсия билан оғриган беморларда когнитив ва диспептик салбий таъсирлар частотасини 76,2% га камайтириш имконини бериб, метаболик асоратларни бартараф этиш, беморларнинг ногиронлик даражасини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур усулни қўллаш ножўя ва метаболик асоратларни даволаш, самарасиз терапияни такрорлаш ҳамда асоратлар билан боғлиқ режасиз касалхонага ётқизиш харажатларини камайтириш орқали бир беморни даволашга йилига 1872500 сўм иқтисодий самарадорлик берди. *Хулоса:* антиконвулсантларни қабул қилишда ножўя реакцияларнинг олдини олиш усулининг самарадорлиги ва когнитив ҳамда диспептик салбий таъсирларни 76,2% га камайтириши фокал эпилепсияда терапияни индивидуаллаштириш ва ножўя реакцияларнинг олдини олиш учун далиллар базасини шакллантиради ҳамда эпилепсияга қарши терапияни рационал бошқариш учун муҳим восита ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 2 та республика ва 2 та халқаро конференцияда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертацияда келтирилган тадқиқот натижалари бўйича 15 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 та республика ва 2 та хорижий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 119 саҳифа компьютер матнида баён қилинган. Кириш, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети баён этилган, ишнинг республика фан ва техникаси устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилик ва амалий натижалар келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фокал эпилепсияни даволаш муаммосининг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланиб, унда мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлил қилинган. ЖССТ маълумотларига кўра дунёда қарийб 50 миллион киши эпилепсия билан касалланган ва ҳар йили тахминан 5 миллион янги ҳолат аниқланиши, фаол эпилепсия ҳар 1000 аҳолига 4-10 ҳолатни ташкил этиши, шунингдек МДҲ ва Марказий Осиё давлатларидаги замонавий эпидемиологик кўрсаткичлар ёритилган. Фокал эпилепсиянинг клиник кечиши, мотор ва номотор хуружлар, уларнинг клиник вариантлари, ёш ва жинс хусусиятлари ҳамда ижтимоий-тиббий аҳамияти батафсил баён қилинган. Бош мия жароҳати, цереброваскуляр касалликлар, нейроинфекциялар ва генетик омилларнинг фокал эпилепсия ривожланишидаги ўрни умумлаштирилган, фармакорезистент шакллар ривожланиши хавфига алоҳида эътибор қаратилган. ЭЭГ ва нейровизуализация (МРТ) усулларининг, шунингдек клиник мезонларнинг фокал эпилепсияни эрта ташхислаш ва эпилептик ўчоқни аниқлашдаги аҳамияти ёритилган. ILAE тавсиялари асосида эпилепсияга қарши терапияни танлаш тамойиллари, фармакотерапиянинг асосий даволаш усули сифатидаги ўрни, антиконвульсантларнинг ножўя ва метаболик таъсирлари ҳамда оптимал препарат танлаш муаммолари баён қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Фокал эпилепсияли беморларни тадқиқ этиш материаллари ва усуллари**» деб номланиб, тадқиқот методологиясини тавсифлайди.

Иккинчи бобда фокал эпилепсияли беморларда зонисамид ва карбамазепин монотерапиясининг самарадорлиги ва хавфсизлигини комплекс баҳолашга қаратилган очиқ, қиёсий, проспектив когорт тадқиқотнинг методологик асоси келтирилган. 258 та амбулатор карта таҳлил қилиниб, белгиланган киритиш ва чиқариш мезонлари қўлланилгандан сўнг 20-43 ёшдаги 102 нафар бемор тадқиқотга киритилган; ўртача ёш 31,67±6,50 йилни ташкил этган. Умумий танланмада 45 нафар эркак (44,1%) ва 57 нафар аёл (55,9%) бўлган. Асосий гуруҳни зонисамид қабул қилган 43 нафар, қиёсий гуруҳни карбамазепин тайинланган 59 нафар бемор ташкил этган. Қўшимча равишда жинс ва ёш бўйича беморларга мос 30 нафар амалий соғлом кўнгиллидан назорат гуруҳи шакллантирилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Терапиянинг клиник-инструментал тавсифи ва қиёсий самарадорлиги ҳамда хавфсизлиги**» деб номланиб, беморларда касалликнинг клиник кечиши хусусиятлари батафсил баён қилинган.

Терапия бошланишидан олдин гуруҳлар келтирилган демографик ва клиник кўрсаткичлар бўйича ўзаро таққосланадиган бўлган (1-жадвал). 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар орасида статистик аҳамиятли фарқ фақат касаллик давомийлиги бўйича аниқланган: мос равишда 5 [3; 12] ва 8 [5; 11]


ой (p=0,033; r=0,212), шу сабабли ушбу омил самарадорлик ва хавфсизликнинг тузатилган моделларида ҳисобга олинган.

1-жадвал

Беморларнинг дастлабки хусусиятлари

Кўрсаткич	Зонисамид, n=43	Карбамазепин, n=59	p	Эффект ўлчами
Ёш, йил	30 [24; 37]	35 [29; 37]	0,083	r=0,172
Касаллик давомийлиги, ой	5 [3; 12]	8 [5; 11]	0,033	r=0,212
Дастлабки кузатув даври, кун	45 [30; 60]	45 [30; 60]	0,338	r=0,095
Дастлабки даврдаги хуружлар сони	3 [2; 4]	3 [2; 4]	0,445	r=0,076
28 кунга хуружлар частотаси	1,87 [1,24; 2,49]	1,87 [1,24; 2,80]	0,650	r=0,045
ТМИ, кг/м²	23,50 [19,20; 25,60]	20,30 [18,60; 26,30]	0,307	r=0,101
Аёллар, n (%)	24 (55,8)	33 (55,9)	0,991	V=0,001
Мусбат оилавий анамнез, n (%)	18 (41,9)	27 (45,8)	0,695	V=0,039
ТМИ тоифалари: танқис / меъёр / ортиқча, n (%)	4 (9,3) / 19 (44,2) / 20 (46,5)	11 (18,6) / 31 (52,5) / 17 (28,8)	0,137	V=0,197

Клиник тузилмада пешона ва чакка шакллари устун бўлиб, 90,2% ни ташкил этди. Локализациялар тақсимоти гуруҳлар ўртасида фарқ қилди (p<0,001), этиологик профил эса таққосланадиган бўлди (p=0,483). Интериктал эпилептиформ фаоллик 57,8% беморда аниқланди: зонисамид гуруҳида 48,8% ва карбамазепин гуруҳида 64,4% (p=0,116). МРТ-негатив эпилепсия мос равишда 55,8% ва 62,7% беморда аниқланди (p=0,483), бу гуруҳларни визуализация қилинадиган структуравий субстрат бўйича таққослаш мумкинлигини кўрсатди (1-расм).



1-расм. МРТ-мусбат беморларда аниқланган ўзгаришлар тузилмаси

Иккала препарат ҳам хуружлар частотасининг ишончли камайишини таъминлади (p<0,001). Олти ойлик терапиядан сўнг қолдиқ хуружлар

частотаси ва медиан фоизли редукция зонисамид қўлланилганда мақбулроқ бўлди (2-жадвал).


2-жадвал

Терапия самарадорлигининг асосий миқдорий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Зонисамид, n=43	Карбамазепин, n=59	p
Терапиягача хуружлар частотаси, Me [Q1; Q3]	1,87 [1,24; 2,49]	1,87 [1,24; 2,80]	0,650
6 ойдан сўнг хуружлар частотаси, Me [Q1; Q3]	0,62 [0,47; 1,40]	0,93 [0,62; 1,87]	0,025
Хуружлар частотаси редукцияси, %, Me [Q1; Q3]	55,6 [25,0; 79,3]	44,0 [16,7; 53,3]	0,035

Шундай қилиб, иккала препарат ҳам самарали бўлди, аммо зонисамид қолдиқ хуружлар частотасининг пастроқ ва уларнинг редукциясининг юқорироқ бўлиши билан тавсифланди.

Хуружлар частотасининг камида 50% камайиши зонисамид гуруҳида 67,4%, карбамазепин гуруҳида 47,5% беморда кузатилди (p=0,045; RR=1,421; 95% ИО 1,012-1,995). Камида 180 кун давомида хуружлардан озод бўлиш мос равишда 20,6% ва 9,5% ҳолатда қайд этилди, аммо фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмади (p=0,204) (2-расм).



2-расм. Терапияга боғлиқ ҳолда ≥50% жавобга эришиш ва камида 180 кун кузатувда хуружлардан озод бўлиш частотаси


Кўп омилли тузатишдан кейин карбамазепин қолдиқ хуружлар частотасининг юқорироқ ва ≥50% жавоб эҳтимолининг пастроқ бўлиши билан боғлиқ эди. Пешона ва чакка эпилепсияси бўлган кичик гуруҳдаги сезгирлик таҳлили (n=92) эффект йўналишининг барқарорлигини тасдиқлади (69,7% га нисбатан 47,5%; p=0,040).

Ножўя дори реакцияларининг умумий частотаси таққосланадиган бўлди: зонисамидда 58,1% ва карбамазепинда 59,3% (p=1,000; RR=0,980). НДР сони, оғирлиги ва клиник оқибатлари бўйича фарқ аниқланмади; оғир реакциялар қайд этилмади.

Зонисамид НДРнинг умумий юкламасини оширмаган ҳолда хуружлар частотасининг кучлироқ камайишини таъминлади. Препаратни дифференциал танлашда тана вазни, нефролитиаз хавфи, меъда-ичак ва психоэмоционал реакциялар, шунингдек уйқучанлик ва дерматологик асоратларга мойилликни ҳисобга олиш лозим.


Диссертациянинг тўртинчи боби «**Зонисамид ва карбамазепин терапиясини комплекс баҳолаш: дифференциал танлов мезонлари**» деб номланади. Унда когнитив ва психоэмоционал ўзгаришлар, ҳаёт сифати, лаборатор хавфсизлик, периферик зардоб глутамати динамикаси, интеграл клиник фойда ва терапияни дифференциал танлаш мезонлари умумлаштирилган.

ACE-R умумий динамикаси гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ қилмади: умумий балл Δ ҳар икки гуруҳда -4 ни ташкил этди (p=0,664), препаратнинг тузатилган таъсири тасдиқланмади (p=0,760). Барқарор фарқ фақат хотира домени бўйича аниқланди: пасайиш карбамазепинда кучлироқ бўлди (-2,29 га нисбатан -1,49; p<0,001; r=0,422) (3-расм).



3-расм. Қиёсланган гуруҳларда ACE-R доменларининг ўртача ўзгариши

HADS-A бўйича гуруҳлараро фарқ тасдиқланмади (p=0,143; тузатилган p=0,185). HADS-D динамикаси зонисамидда мақбулроқ бўлди; тузатишдан кейин карбамазепин гуруҳида якуний балл 0,986 баллга юқори бўлди (p=0,003). QOLIE-31 ҳар икки гуруҳда яхшиланди (p<0,001): ўсиш мос равишда 6 [2;16] ва 4 [2;7] баллни ташкил этди (p=0,017), аммо тузатишдан кейин препаратнинг мустақил таъсири тасдиқланмади (p=0,161) (4-расм).



4-расм. Қиёсланган гуруҳларда QOLIE-31 медиан баллининг динамикаси


Жигар-метаболик динамика карбамазепинда камроқ мақбул бўлди. «Вақт × препарат» ўзаро таъсири АЛТ, АСТ ва билирубин учун тасдиқланди (p<0,001); тузатишдан кейин карбамазепин якуний АЛТнинг 24,205 Ед/л, АСТнинг 15,829 Ед/л ва билирубиннинг 7,485 мкмоль/л юқорилиги билан боғлиқ бўлди. Умумий холестерин учун B=1,323 (p<0,001), триглицеридлар учун B=1,085 (p<0,001), ЛПНП учун B=0,341 (p=0,002) (3-жадвал).

3-жадвал

Қиёсланган гуруҳларда асосий биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткич	Зонисамид (n=43), олдин → кейин; Δ	Карбамазепин (n=59), олдин → кейин; Δ	Δ учун p
АЛТ, Ед/л	13 → 15; Δ 1 [-2; 2]	18 → 41; Δ 23 [17,5; 29]	<0,001
АСТ, Ед/л	21 → 21; Δ 1 [-1,5; 1]	21 → 39; Δ 17 [12; 20]	<0,001
Умумий билирубин, мкмоль/л	9 → 12,3; Δ 2,7 [1,4; 4,5]	9 → 20,1; Δ 10,7 [5; 15,5]	<0,001
Умумий холестерин, ммоль/л	5,4 → 4,9; Δ -0,5 [-1,4; 0,5]	5,2 → 6,3; Δ 1,2 [0,5; 1,8]	<0,001
Триглицеридлар, ммоль/л	2,20 → 2,05; Δ -0,32 [-1,30; 0,10]	1,90 → 3,01; Δ 1,10 [0,40; 1,76]	<0,001
ЛПВП, ммоль/л	2,13 → 2,40; Δ 0,40 [-0,25; 1,05]	2,10 → 2,20; Δ 0,10 [-0,62; 1,27]	0,464
ЛПНП, ммоль/л	1,80 → 1,80; Δ 0 [0; 0]	2,00 → 2,10; Δ 0 [0; 0,40]	<0,001

Зардоб глутамати дастлаб гуруҳлар ўртасида таққосланадиган бўлди (p=0,402), аммо зонисамидда 17 дан 13 мкмоль/л гача пасайди (Δ -4 [-8,5;-2]), карбамазепинда эса 22 дан 30 мкмоль/л гача ошди (Δ 10 [6;10]); U=24,0; p<0,001; r=0,865. Тузатишдан кейин карбамазепинда кўрсаткич 13,607 мкмоль/л га юқори бўлди (p<0,001). Ушбу кўрсаткич фақат тадқиқот фармакодинамик маркери сифатида талқин қилинди (5-расм).



5-расм. Периферик зардоб глутаматининг медиан ўзгариши

Интеграл клиник фойда НДР сабабли препаратни бекор қилиш, дозани камайтириш ёки алмаштиришсиз хуружлар частотасининг ≥50% камайиши сифатида белгиланди. У зонисамидда 51,2% ва карбамазепинда 35,6% беморда қайд этилди (тузатилмаган p=0,116). Ёш, жинс, касаллик давомийлиги, дастлабки хуружлар частотаси, ТМИ ва локализация ҳисобга олингандан кейин карбамазепин интеграл фойдага эришиш эҳтимолининг пастроқ бўлиши билан боғлиқ бўлди (OR=0,317; 95% ИО 0,120-0,837; p=0,020)(4-жадвал).

4-жадвал


Терапия самарадорлиги ва ўтказувчанлигининг интеграл кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Зонисамид (n=43)	Карбамазепин (n=59)	p	RR (95% ИО)
≥50% жавоб	29/43 (67,4%)	28/59 (47,5%)	0,045	1,421 (1,012-1,995)
QOLIE-31 яхшиланиши	36/43 (83,7%)	50/59 (84,7%)	0,888	0,988 (0,833-1,172)
НДР сабабли клиник аҳамиятли аралашувсиз	33/43 (76,7%)	44/59 (74,6%)	0,802	1,029 (0,824-1,285)
Интеграл клиник фойда	22/43 (51,2%)	21/59 (35,6%)	0,116	1,437 (0,916-2,256)

ТМИ, ACE-R бўйича хотира, HADS-D ва зардоб глутамати Бонферрони тузатишидан кейин препарат эффектининг модификаторлари сифатида тасдиқланмади (барча p>0,0125), шу сабабли мустақил танлов мезонлари сифатида қўлланилмади. Алгоритм устувор клиник хавф, кутилаётган НДР профили ва препаратга хос мониторингга асосланган.

Клиник-статистик модуль танланган препарат ва дастлабки ТМИдан фойдаланиб, кутилаётган интеграл фойдани қўшимча миқдорий баҳолаш учун хизмат қилади. Модель статистик аҳамиятли (χ^2=9,884; df=2; p=0,007), ўртача дискриминацияга эга (AUC=0,688; 95% ИО 0,584-0,792), ички калибровкаси мақбул (Hosmer-Lemeshow p=0,764; Brier=0,2207) ва 1000 та bootstrap-қайта

танлашда текширилган. Шундай қилиб, боб натижалари самарадорлик, ўтказувчанлик, когнитив-психоэмоционал ва лаборатор профилни зонисамид ва карбамазепинни дифференциал танлашнинг ягона тизимида бирлаштиради (6-расм).



6-расм. Эпилепсияга қарши терапияни дифференциал танлаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«Фокал эпилепсияда эпилепсияга қарши терапия самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси юзасидан ўтказилган тадқиқотлар асосида

қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гуруҳларнинг дастлабки клиник-анамнестик, гендер ва антропометрик хусусиятлари ёш, жинс, дастлабки хуружлар частотаси ва ТМИ бўйича фарқлар аниқланмади (p>0,05). Касаллик давомийлиги зонисамидда 5 [3; 12] ой ва карбамазепинда 8 [5; 11] ойни ташкил этди (U=956,5; p=0,033; r=0,212), ушбу дисбаланс самарадорлик ва хавфсизликнинг тузатилган моделларида ҳисобга олинди.

2. Фокал эпилепсия тузилмасида пешона ва чакка шакллари устун бўлиб, 90,2% ҳолатни ташкил этди, локализациялар тақсимоти гуруҳлар ўртасида фарқ қилди (χ^2=15,215; p<0,001; V=0,386), асосан зонисамид гуруҳида тепа-энса шакллари ҳисобига. Интериктал эпилептиформ фаоллик 57,8% беморда, кўпроқ пешона локализациясида аниқланди. 41 нафар МРТ-мусбат бемор орасида посттравматик ўзгаришлар (36,6%), фокал кортикал дисплазия (19,5%), қон томир мальформациялари (17,1%) ва гиппокамп склерози (12,2%) устун бўлди.

3. Иккала препарат ҳам хуружлар частотасининг камайиши билан боғлиқ бўлди, аммо ≥50% редукция зонисамидда кўпроқ кузатилди - 67,4% га нисбатан карбамазепинда 47,5% (p=0,045); клиник омиллар ҳисобга олингандан кейин карбамазепин бундай жавоб эҳтимолининг пастроқ бўлиши билан боғлиқлигини сақлаб қолди (OR=0,385; p=0,046). НДР умумий частотаси ўзаро таққосланадиган бўлди - 58,1% ва 59,3% (p=1,000), аммо ўтказувчанлик профили фарқ қилди: зонисамид учун тана вазни камайиши, меъда-ичак ва психоэмоционал реакциялар, карбамазепин учун тана вазни ортиши хос бўлди, уйқучанлик ва дерматологик реакциялар қўшимча клиник сигналлар сифатида қаралди.

4. ACE-R умумий динамикаси гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ қилмади, аммо хотира пасайиши карбамазепинда зонисамидга нисбатан кучлироқ бўлди - 2,29 га нисбатан 1,49 балл (r=0,422; p<0,001). HADS-D динамикаси зонисамидда мақбулроқ бўлди; тузатишдан кейин карбамазепинда якуний балл 0,986 баллга юқори эди (p=0,003), хавотир бўйича фарқ аниқланмади. QOLIE-31 ҳар икки терапия вариантида яхшиланди, аммо тузатишдан кейин препаратнинг мустақил таъсири тасдиқланмади (p=0,161).

5. Карбамазепин жигар-метаболик ва гематологик динамиканинг камроқ мақбул йўналиши билан тавсифланди; энг катта фарқ тромбоцитлар бўйича қайд этилди: Δ -125×10⁹/л га нисбатан зонисамидда -10×10⁹/л (r=0,851; p<0,001). Зардоб глутамати зонисамидда пасайиб, карбамазепинда ошди (r=0,865; p<0,001) ва тадқиқот фармакодинамик маркери бўлиб қолди. Интеграл баҳолашда карбамазепин мақбул натижа эҳтимолининг пастроқ бўлиши билан боғлиқ эди (тузатилган OR=0,317; 95% ИО 0,120-0,837; p=0,020). Олинган маълумотлар асосида терапияни дифференциал танлаш алгоритми ишлаб чиқилди ва у кутилаётган интеграл клиник фойдани баҳоловчи клиник-статистик модуль билан тўлдирилди (AUC=0,688).

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/2025.27.12.Tib.01.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ЛАТИПОВА НИЛУФАР КЕНЖАЕВНА

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ И БЕЗОПАСНОСТИ ПРОТИВОЭПИЛЕПТИЧЕСКОЙ ТЕРАПИИ ПРИ ФОКАЛЬНОЙ ЭПИЛЕПСИИ

14.00.13 – Неврология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2022.4.PhD/Tib3164.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tashmeduni.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Усманова Дурдона Джурабаевна** доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Рашидова Нилуфар Сафаоевна** доктор медицинских наук, доцент
	Джурабекова Азиза Тахировна доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сино

Защита диссертации состоится «_____» _____2026 г. в _____часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.06/2025.27.12.Tib.01.04 при Ташкентском государственном медицинском университете (адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фарабий, 2 дом. Тел./Факс: (+99878) 150–78–28, e-mail: info@tma.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Ташкентском государственном медицинском университете (зарегистрирована за №_____). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фарабий, 2 дом. Тел./Факс: (+99871) 214–82–90.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2026 года.

(Протокол рассылки № _____ от «_____» _____ 2026 года).

Р.Ж. Матмуродов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Р.Б. Азизова
Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Д.К. Хайдарова
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы. Во всем мире эпилепсия является одним из наиболее распространенных и социально значимых неврологических заболеваний, которое регистрируется примерно у 50 миллионов человек. По данным Всемирной организации здравоохранения, «…годовой показатель заболеваемости достигает от 49 до 69 случаев на 100 000 населения, а общая распространенность составляет примерно 0,5-1% населения»[1]. Несмотря на значительные достижения современной эпилептологии, около 30% пациентов имеют фармакорезистентное течение заболевания, что сопровождается повышенным риском инвалидности, когнитивных нарушений и снижения качества жизни. Среди всех форм эпилепсии очаговая эпилепсия является наиболее распространенной, занимая около 60% всех случаев в общей структуре заболевания, и в большинстве случаев требует длительной, часто пожизненной, антиэпилептической терапии. Несмотря на возможности диагностики и лечения эпилепсии, в современной медицине существуют проблемы, связанные с ранней диагностикой очаговой эпилепсии и выбором противосудорожных средств.

В мире эпилепсия остается одной из актуальных проблем, что обусловлено широкой распространенностью заболевания, хроническим течением, негативным влиянием на трудоспособность и качество жизни пациентов, а также возрастающей социально-экономической нагрузкой. В последние годы внедрение в практику современных противоэпилептических препаратов нового поколения значительно расширило возможности лечения очаговой эпилепсии. В мировой практике проводятся обширные клинические исследования, направленные на оценку эффективности противоэпилептической терапии, побочных эффектов препаратов, сравнительных преимуществ монотерапии и политерапии, а также склонности к лечению. Однако, несмотря на эти достижения, до сих пор не сформирован единый подход к комплексной оценке эффективности и безопасности противоэпилептической терапии при фокальной эпилепсии, адаптации выбора препарата к клиническим особенностям пациента и прогнозированию отдаленных результатов лечения. Это определяет актуальность и практическую значимость данного исследования, направленного на оценку эффективности и безопасности противоэпилептической терапии у больных с фокальной эпилепсией.

В нашей стране в рамках широкомасштабных мер, осуществляемых в сфере реформирования системы здравоохранения и охраны здоровья населения, особое внимание уделяется вопросам снижения неврологических заболеваний и их осложнений, а также оказания квалифицированной медицинской помощи пациентам с этими заболеваниями. В связи с этим определены важные задачи, направленные на «…повышение эффективности,

[1] https://www.thelancet.com/journals/lanpub/article/PIIS2468-2667(24)00302-5/fulltext

качества и доступности медицинской помощи, оказываемой населению, а также поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации»[2]. В целях реализации этих задач изучение клинических особенностей очаговой эпилепсии, оценка эффективности антиэпилептической терапии является одной из актуальных проблем практической медицины, что имеет большое научное и практическое значение.

Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы», Указ от 5 мая 2021 года № УП-6221 «О создании необходимых условий для повышения потенциала медицинских работников и поэтапном продолжении реформ, реализуемых в системе здравоохранения», а также Постановление Президента от 12 ноября 2020 года № ПП–4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья за счёт дальнейшего повышения эффективности профилактической работы», Постановление Президента от 28 июля 2021 года № ПП–5199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию систем специализированной медицинской помощи в сфере здравоохранения», Постановление Президента от 25 мая 2021 года № ПП–5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и другие нормативно-правовые документы, относящиеся к данной деятельности, определяют задачи, выполнению которых в определённой степени способствует настоящее диссертационное исследование.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан ВИ. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Проведенный анализ литературы показывает, что проблема лечения эпилепсии широко изучается во всем мире. Правильная тактика лечения и выбор эффективного лекарственного средства являются основными показателями, и в этом направлении проведено множество научных работ. В настоящее время с развитием и широким применением методов диагностики, нейровизуализации, лабораторных и генетических исследований проблема эпилепсии в основном изучается в контексте различных классификаций. Таким образом, на основе клинических и нейровизуализационных данных разработаны алгоритмы, клинические рекомендации, указания к тактике лечения (Shibata T., 2023). Однако, несмотря на возможности ранней диагностики, на сегодняшний день в практике наблюдаются случаи развития фармакорезистентности и проявления побочных эффектов многих противосудорожных средств, и эта проблема требует дополнительного изучения (Pong.W., 2023).

Патогенез, различные виды, стадии, клинические варианты очаговой

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ–60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы».

эпилепсии широко описаны в литературе учеными СНГ (Пилова Т. 2021, Бажанова Е.Д., 2022). Доказано, что клиническое течение эпилепсии в зависимости от видов имеет разную продолжительность и этапный характер (Bastos F., 2020). В последние годы в этой области проведен ряд исследований по проблемам диагностики и лечения очаговой эпилепсии. В частности, ряд исследований посвящен хирургическому лечению лекарственно-устойчивых форм (Крылов В.В., 2019, Улитин У.Ю., 2024), прогнозированию неблагоприятных реакций (Балестрини С., 2021), выявлению очагов головного мозга (Страйн Г.М., 2006).

В нашей республике ряд научных работ по изучению проблемы эпилепсии проведены Рахимбаевой Г.С., Маджидовой Ё.Н., Гафуровым Б.Г., Муратовым Ф.Х., Рашидовой Н.С., Туйчибаевой Н.М. (2024) и другими учеными. Данные исследования в основном посвящены клиническому течению, нейрофизиологическим особенностям, диагностике и оценке эффективности антиэпилептической терапии эпилепсии. Однако комплексная оценка эффективности и безопасности антиэпилептической терапии при фокальной эпилепсии, адаптация выбора препарата к клиническим особенностям пациента, сравнительные преимущества монотерапии и политерапии, степень приверженности лечению и клиническая значимость фармакорезистентности недостаточно изучены. В связи с этим актуальным является проведение исследований, направленных на комплексную оценку эффективности и безопасности антиэпилептической терапии у больных с очаговой эпилепсией в условиях республики.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Андижанского государственного медицинского института No02-4974 по теме “Профилактика здоровья населения, здоровый образ жизни, раннее выявление факторов риска, а также медико-профилактическая, лечебная и современная инновационная диагностическая помощь населению Республики Узбекистан” (2022-2025).

Целью исследования является сравнительная оценка эффективности и безопасности зонисамида и карбамазепина у больных с фокальной эпилепсией.

Задачи исследования:

изучить клинико-анамнестических, гендерных и антропометрических особенностей пациентов с очаговой эпилепсией до начала лечения;

